



O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHKAMASINING QARORI

20 22 yil « 8 » iyul

№ 377

Toshkent sh.

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга барҳам беришни таъминлайдиган йўл ҳаракатини автоматлаштирилган тартибга солиш тизимини кенгайтириш бўйича ички ишлар органлари фаолиятининг сифат жиҳатидан янги тартиби белгиланди.

Мазкур йўналишдаги ишларни янада жадаллаштириш, йўл ҳаракатини ташкил этиш соҳасига замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этиш, шунингдек, йўл ҳаракати барча иштирокчиларининг хавфсиз ҳаракатланиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қиласди:

1. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 19 майдаги 377-сон қарорига мувофиқ фаолият кўрсатаётган йўл-патруль хизмати стационар постларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали ушбу масканларда инсон омилини чеклаган ҳолда транспорт воситаларининг тўсиқсиз ҳаракатланишини таъминлаш бўйича “Яшил” ва “Қизил” йўлак тизимини (кейинги ўринларда – “Яшил” ва “Қизил” йўлак тамойили) босқичма-босқич жорий этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Бунда, йўл-патруль хизмати стационар постларида ташкил этиладиган:

“Яшил” йўлакдан – белгилangan қоидаларга риоя этадиган ва ҳуқуқбузарлик содир этмаган транспорт воситалари ҳайдовчилари ҳеч қандай тўсиқсиз ва чекловларсиз ҳаракатланади;

“Қизил” йўлакдан – қидирувда бўлган, суғурта полисининг муддати ўтган, белгилangan муддатда техник кўрикдан ўтмаган, вазн ва ҳажм параметрларини бузиб ҳаракатланаётган ёки йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун ўз вақтида тўланмаган жаримаси мавжуд бўлган транспорт воситалари ҳаракатланади.

2. Куйидагиларни назарда тутувчи Йўл-патруль хизмати стационар постларида “Яшил” ва “Қизил” йўлак тамойили асосида ҳаракатланиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансан:

“Яшил” ва “Қизил” йўлак тамойили асосида йўл-патруль хизмати стационар постларининг фаолиятини ташкил этиш тартиби;

автотранспорт воситаларининг йўл-патруль хизмати стационар постларида “Яшил” ва “Қизил” тамойили асосида ташкил этиладиган йўлаклар орқали ҳаракатланиш тартиби;

постларга хизматни ўташ учун жалб этиладиган йўл-патрул хизмати ходимларининг асосий ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

постларга транспорт воситасида ҳаракатланиб келган ҳайдовчининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари;

постлар фаолияти устидан назорат қилиш тартиби.

3. Белгилансанки, 2022 йил 1 декабрдан бошлаб “Яшил” ва “Қизил” йўлак тамойили Тошкент вилояти Оҳангарон туманида жойлашган “Чинор” ва Наманган вилояти Поп туманида жойлашган “Наманган” йўл-патруль хизмати стационар постларида ҳамда 2-иловадаги жадвалга мувофиқ босқичма-босқич республиканинг қолган йўл-патруль хизмати стационар постларида жорий этилади.

4. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги:

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда икки ой муддатда “Яшил” ва “Қизил” йўлаклар тизимини жорий этиш бўйича техник ҳужжатларни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин ҳамда 2022 йил 1 ноябрга қадар тизимнинг ишга туширилишини таъминласин;

Транспорт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор ташкилотлар билан биргаликда **2022 йил якунига қадар** транспорт оқимини ҳисоблаш, тирбандликларнинг олдини олиш, қидиувда бўлган ва олиб қочилган транспорт воситаларининг ҳаракатланиш йўналишини аниқлаш ҳамда транспорт воситалари тўғрисидаги маълумотларни масофадан узатиш имкониятини ўз ичига олган радиочастоталардан фойдаланган ҳолда kontaktсиз маълумотлар алмашинуви технологиясининг жаҳон тажрибасини ўрганиб чиқсин ва белгиланган тартибда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари мазкур қарорга 2-иловада кўрсатилган йўл-патруль хизмати стационар постларига туташ ҳамда улар атрофидаги бўш турган ва захирага олинган қишлоқ хўжалигига фойдаланилмайдиган ер участкаларини ушбу постларда зарур иншоотларни барпо этиш ва жиҳозлаш мақсадида тегишли ички ишлар органлари мурожаатига асосан уларга доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки, йўл-патруль хизмати стационар постларида “Яшил” ва “Қизил” йўлак тизимини жорий этиш билан боғлиқ харажатлар Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг бюджетдан ташқари маблағлари, халқаро молия институтлари, хорижий ташкилотлар ҳамда донор мамлакатлар кредитлари ва грантлари, шунингдек, қонунчилик ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади.

7. Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳукуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 20 сентябрдаги 747-сон қарорига 3-иловага мувофиқ қўшимчалар киритилсин.

8. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири П.Р. Бобожонов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири



А. Арипов

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 8 июлдаги 377-сон қарорига
1-илова

Йўл-патруль хизмати стационар постларида “Яшил” ва “Қизил” йўлак тамойили асосида ҳаракатланиш тартибини жорий этиш тўғрисида НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом автотранспорт воситаларининг йўл-патруль хизмати стационар постлари (кейинги ўринларда – постлар)да ташкил этилган “Яшил” ва “Қизил” йўлак тамойили асосида ҳаракатланиши тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:
ёруғлик диодли экран – LED дисплей, визуал маълумотларни кўрсатиш ва узатиш учун қурилма (дисплей, монитор, телевизор, электрон табло);

“Қизил” йўлак – қидирудва бўлган, техник кўриқдан ўтмаган, суғурта полиси муддати ўтган, вазн ва ҳажм параметрларини бузиб ҳаракатланган ёки йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима солиш ҳақида қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кун ичida тўланмаган жаримаси мавжуд транспорт воситалари ҳаракатланиши шарт бўлган ҳаракатланиш бўлаги;

қарздорлик – йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик учун жарима солиш ҳақида қарор чиқарилган кундан эътиборан олтмиш кун ичida тўланмаган жарима;

пост – йўл-патруль хизмати ходимларининг хизмат кўрсатиш, тезкор-техник ва маҳсус воситалар, мухандислик ва бошқа тузилмалар билан жиҳозланган жой;

ҳаракатланиш бўлаги – автомобилларнинг бир қатор бўлиб ҳаракатланиши учун етарлича кенг бўлган, йўл чизиқлари билан белгиланган ёки белгиланмаган йўл қатнов қисмининг ҳар қандай бўйлама бўлаги;

фото ва видео қайд этиш қурилмаси – йўл ҳаракати қоидалари бузилишини маҳсус автоматлаштирилган фото ва видео техника воситалари ёрдамида қайд этувчи қурилма;

“Яшил” йўлак – “Қизил” йўлак – “Яшил” йўлак орқали ҳаракатланиш шартлигини кўрсатувчи аломатлари бўлмаган транспорт воситаларининг ҳаракатланишига рухсат бериладиган ҳаракатланиш бўлаги.

3. Постларда ўрнатилган тартиб хорижий транспорт воситаларига ҳам татбиқ этилади.

2-боб. “Яшил” ва “Қизил” йўлак тамойили асосида постларнинг фаолиятини ташкил этиш

4. Транспорт воситаларининг ҳаракати фото ва видео қайд этиш қурилмалари орқали қайд қилиниб, ҳайдовчиларга ёруғлик диодли экран орқали ишора бериш йўли билан тартибга солинади.

5. Ёруғлик диодли экранда акс эттирилмаган ёки “Яшил” йўлак бўйлаб ҳаракатланиш хақида ишора берилган транспорт воситалари “Яшил” йўлак бўйлаб тўсиқсиз ҳаракатланади.

6. “Қизил” йўлакдан ҳаракатланиши буюрилган транспорт воситалари бўйича ҳаракат қатнашчиларининг ҳужжатлари электрон маълумотлар базасидан фойдаланган ҳолда текширилади, аниқланган қарздорликлар бўйича постларда ташкил этилган банк терминаллари орқали қарздорлик бўйича тўлов амалга оширилганидан сўнг, уларнинг ҳаракатини давом эттиришга рухсат бериш чоралари кўрилади.

Қарздорлик тўланмаган ҳолларда транспорт воситалари Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси 291-моддаси ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 25 майдаги 149-сон қарори билан тасдиқланган Конунчилик ҳужжатлари бузилганлиги учун ушланган транспорт воситаларини махсус тўхташ жойларига олиб келиш, жойлаштириш ва сақлаш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ махсус тўхташ жойларига жойлаштирилади.

Техник кўрикдан ўтмаган, суғурта полиси муддати ўтган транспорт воситалари юзасидан маъмурий баённома тузилгандан сўнг, вазн ва ҳажм параметрларини бузиб ҳаракатланган транспорт воситалари бўйича эса вазн ва ҳажм параметрлари тегишли нормага мослаштирилган тақдирда уларнинг ҳаракатини давом эттиришга рухсат берилади.

Вазн ва ҳажм параметрларини бузиб ҳаракатланган транспорт воситалари бўйича вазн ва ҳажм параметрларини тегишли нормага мослаштирилмаган ёки объектив сабабларга кўра бунинг имкони бўлмаган тақдирда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ушлаб туриш чоралари кўралади.

Кидибувда бўлган транспорт воситалари аниқланганда, ушбу транспорт воситалари дарҳол махсус тўхташ жойларига жойлаштирилади.

7. Қарздорлик аниқланган транспорт воситаларига қуйидаги ҳолларда ҳаракатни давом эттиришга рухсат этилади:

транспорт воситаси тўхтатилган вақтдан эътиборан кўпи билан 30 дақиқа ичидаги қарздорликка оид батафсил маълумот олиш имконияти бўлмаса ёхуд постларда ташкил этилган банк терминаллари ишламаётган ёки аниқланган қарздорликлар бўйича тўловни қонун ҳужжатларида белгиланган бошқача тартибда амалга ошириш имконияти бўлмаган ҳолларда;

аниқланган қарздорликларга асос бўлган қоидабузарликлар юзасидан судга мурожаат қилинган ёки иш судда кўрилаётган ҳолларда (бундан иш юзасидан суднинг қарори қонуний кучга кирган ҳоллар мустасно);

транспорт воситасида шошилинч тиббий ёрдамга муҳтож шахс бўлгандা;

фавқулодда вазиятлар (табиий оғат, техноген ҳалокат, ёнғин)да юк ёки одамларни ташиш ҳолларида;

транспорт воситаси марҳумни ташиш учун фойдаланилаётган ёки дағн маросимида иштирок этаётган ҳолларда.

3-боб. Постларга хизматни ўташ учун жалб этиладиган йўл-патрул хизмати ходимларининг хуқуқ ва мажбуриятлари

8. Постларда хизмат ўтаётган йўл-патруль хизмати ходимлари куйидаги хуқуқларга эга:

“Қизил” йўлак бўйлаб ҳаракатланиши лозим бўлган транспорт воситалари юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган чораларни кўриш;

“Қизил” йўлак бўйлаб ҳаракатланиши лозим бўлган, бироқ ахборот ишора белгиларига риоя қилмаган транспорт воситаларини тўхтатиш чораларини кўриш.

9. Йўл-патруль хизмати ходимлари қуйидагиларга мажбур:

худудий ички ишлар органлари навбатчилик қисми ва марказий ахборот диспетчерлик хизмати – ахборот диспетчерлик хизмати (кейинги ўринларда – МАДХ-АДХ) билан доимий алоқада бўлиш;

постларда мавжуд ёруғлик диодли экран ёрдамида, транспорт воситаларини қизил ва яшил йўлаклар бўйлаб тўғри ҳаракат қилиб келаётганлигини назорат қилиш;

ахборот ишора белгилари ёки ёруғлик диодли экранда намоён бўлган маълумотларга амал қилмасдан ҳаракатланиши керак бўлган йўлакда ҳаракатланмаган транспорт воситасини ўрнатилган тартибда тегишли ишора бериш йўли билан тўхтатиш;

постларда мавжуд техник жиҳозларнинг соз ҳолда ишлашини мунтазам равишда назорат қилиш;

техник жиҳозларда носозликлар аниқланган тақдирда, уларни зудлик билан бартараф этиш чораларини кўриш;

постлардан “Қизил” йўлак бўйлаб ўтган транспорт воситалари бўйича кунлик ҳисоботни юритиш ва қўлланилган чоралар бўйича маълумотни худудий йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматларига юбориш.

4-боб. Постларга транспорт воситасида ҳаракатланиб келган ҳайдовчининг хуқуқ ва мажбуриятлари

10. Постларга транспорт воситасида ҳаракатланиб келган ҳайдовчилар куйидаги хуқуқларга эга:

ёруғлик диодли экран орқали қизил йўлакдан ҳаракатланиш буюрилганлиги асослари тўғрисида тушунтириш берилишини талаб қилиш;

аниқланган камчиликлар ва қарздорликлар билан боғлиқ маълумотлар билан танишиш;

йўл қўйилган камчиликлар ва қарздорликлар юзасидан тушунтиришлар бериш;

мавжуд қарздорлик ёки транспорт воситаси қидиувда эканлиги муносабати билан маҳсус тўхташ жойига жойлаштирилганлиги юзасидан юқори турувчи орган (мансабдор шахс)га ёки судга шикоят қилиш.

11. Постларга транспорт воситасида ҳаракатланиб келган ҳайдовчи ахборот ишора белгилари ёки ёруғлик диодли экранда намоён этилган маълумотлардаги ишораларга сўзсиз риоя қилишга мажбур.

5-боб. Постлар фаолияти устидан назорат

12. Постларнинг фаолияти устидан назорат бевосита Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати томонидан олиб борилади.

13. Постларда хизмат олиб бораётган йўл-патрул хизмати ходимлари томонидан тақдим этилган кунлик маълумот ҳудудий йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматлари томонидан умумлаштирилиб, автоматлаштирилган маълумотлар базаси билан солиштирилади ва ойлик ҳисобот юритилади.

Ойлик ҳисобот бевосита Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Жамоат хавфсизлиги департаменти Йўл ҳаракати хавфсизлиги хизматига тақдим этилади.

6-боб. Якунловчи қоидалар

14. Ҳайдовчилар постларга хизматни ўташ учун жалб этиладиган йўл-патрул хизмати ходимларининг хатти-ҳаракатлари юзасидан қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилишлари мумкин.

15. Мазкур Низом талабларини бузган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 8 июлдаги 377-сон қарорига
2-илова

**Йўл-патруль хизмати стационар постларида “Яшил” ва “Қизил” йўлак тамойилини босқичма-босқич жорий этиш
ЖАДВАЛИ**

T/p	ЙПХ стационар пости номи	Худуд номи	ЙПХ стационар пости жойлашган манзил	Реконструкция қилиш, қуриш (битказиш муддати)
I-босқич				
1.	“Чинор” ЙПХ стационар пости	Тошкент вилояти	A373 “М39 автойўли–Гулистон–Бўка–Ангрен–Қўқон ва Андижон орқали–Ўш” автомобиль йўлининг 199-километрида, Оҳангарон тумани	декабрь 2022 йил
2.	“Наманган” ЙПХ стационар пости	Наманган вилояти	A373 “М39 автойўли–Гулистон–Бўка–Ангрен–Қўқон ва Андижон орқали–Ўш” автомобиль йўлининг 273-километрида, Поп тумани	
II-босқич				
3.	45-ЙПХ стационар пости	Андижон вилояти	A373 “М-39 автойўли–Гулистон–Бўка–Ангрен–Қўқон ва Андижон орқали–Ўш” автомобиль йўлининг 469-километрида, Хўжаобод тумани	февраль 2023 йил
4.	“А. Турбонов” ЙПХ стационар пости	Тошкент шаҳри	M34 “Тошкент–Душанбе” автомобиль йўлининг 15-километрида, Сергели тумани	
5.	“Эркин” ЙПХ стационар пости		M39 “Алмати–Бишкек–Тошкент–Шахрисабз–Термиз” автомобиль йўлининг 817-километрида, Чилонзор тумани	
6.	“Бектемир” ЙПХ стационар пости		4Р2 “Тошкент–Тўйтепа–A373 автойўли (55 км)” автомобиль йўлининг 11-километрида, Бектемир тумани	
7.	“Шарқ” ЙПХ стационар пости		A373 автомобиль йўлининг “а” “Тошкент шаҳрига” шохобчасининг 45-километрида, Бектемир тумани	
8.	“Уч қаҳрамон” ЙПХ стационар пости		M39 “Алмати–Бишкек–Тошкент–Шахрисабз–Термиз” автомобиль йўлининг 817-километрида, Юнусобод тумани	
				июль 2023 йил

Т/р	ЙПХ стационар постиноми	Худуд номи	ЙПХ стационар пости жойлашган манзил	Реконструкция қилиш, қуриш (битказиш муддати)
9.	“Келес” ЙПХ стационар пости		4Р4 “Тошкент–Келес–Қозоқкентсой–М39 автойўли (820 км)” автомобиль йўлининг 16-километрида, Тошкент тумани	февраль 2024 йил
10.	“Ойбек” ЙПХ стационар пости	Тошкент вилояти	4Р20 “Қорасув–Бўка–Бекобод” автомобиль йўлининг 63-километрида, Бекобод тумани	
III-босқич				
11.	“Сирдарё” ЙПХ стационар пости	Сирдарё вилояти	M39 “Алмати–Бишкек–Тошкент–Шахрисабз–Термиз” автомобиль йўлининг 871-километрида, Сирдарё тумани	февраль 2024 йил
12.	“Норин” ЙПХ стационар пости	Наманган вилояти	4Р112 «Фарғона ҳалқа йўли» автомобиль йўлининг 101-километрида, Норин тумани	
13.	“Манас-14” ЙПХ стационар пости	Жиззах вилояти	M39 “Алмати–Бишкек–Тошкент–Шахрисабз–Термиз” автомобиль йўлининг 939-километрида, Дўстлик тумани	февраль 2024 йил
14.	“Яккабоғ-15” ЙПХ стационар пости		A376 “Қўқон–Жиззах” автомобиль йўлининг 242-километрида, Зомин тумани	
15.	“Юқори нуқта” ЙПХ стационар пости	Самарқанд вилояти	M39 “Алмати–Бишкек–Тошкент–Шахрисабз–Термиз” автомобиль йўлининг 1039-километрида, Булунғур тумани	июль 2024 йил
16.	“Омонқўтон” ЙПХ стационар пости		M39 “Алмати–Бишкек–Тошкент–Шахрисабз–Термиз” автомобиль йўлининг 1120-километрида, Ургут тумани	
IV-босқич				
17.	“Мингчинор” ЙПХ стационар пости	Қашқадарё вилояти	M39 “Алмати–Бишкек–Тошкент–Шахрисабз–Термиз” автомобиль йўлининг 1139-километрида, Китоб тумани	июль 2024 йил
18.	“Умакай” ЙПХ стационар пости		A378 “Самарқанд–Ғузор” автомобиль йўлининг 57-километрида, Чирокчи тумани	
19.	“Ширинбулоқ” ЙПХ стационар пости		A380 “Ғузор–Бухоро–Нукус–Бейнов” автомобиль йўлининг 147-километрида, Муборак тумани	

T/р	ЙПХ стационар пости номи	Худуд номи	ЙПХ стационар пости жойлашган манзил	Реконструкция қилиш, қуриш (битказиш муддати)
20.	“Дарбанд” ЙПХ стационар пости	Сурхондарё вилояти	M39 “Алмати–Бишкек–Тошкент–Шахрисабз–Термиз” автомобиль йўлининг 1335-километрида, Бойсун тумани	
21.	“Мангузар” ЙПХ стационар пости		M41 “Бишкек–Душанбе–Термиз” автомобиль йўлининг 1618-километрида, Термиз тумани	
V-босқич				
22.	“Сармижон” ЙПХ стационар пости	Бухоро вилояти	M37 “Самарқанд–Бухоро–Туркманбоши” автомобиль йўлининг 212-километрида, Фиждувон тумани	февраль 2025 йил
23.	“Караката” ЙПХ стационар пости	Навоий вилояти	A379 “Навоий–Учқудук” автомобиль йўлининг 125-километрида, Конимех тумани	
24.	“Зарафшон” ЙПХ стационар пости		A379 “Навоий–Учқудук” автомобиль йўлининг 202-километрида, Зарафшон шаҳри	
25.	“Самарқанд” ЙПХ стационар пости		M37 “Самарқанд–Бухоро–Туркманбоши” автомобиль йўлининг 147-километрида, Кармана тумани	
VI -босқич				
26.	“Момокўпир” ЙПХ стационар пости	Хоразм вилояти	4Р160 “Урганч–Гурлан–Мангит–Туркманистон Республикаси чегараси” автомобиль йўлининг 65-километрида, Гурлан тумани	июль 2025 йил
27.	“Бройлер” ЙПХ стационар пости	Қорақалпогистон Республикаси	A380 “Ғузор–Бухоро–Нукус–Бейнов” автомобиль йўлининг 754-километрида, Нукус шаҳри	
28.	“Мискин” ЙПХ стационар пости		A380 “Ғузор–Бухоро–Нукус–Бейнов” автомобиль йўлининг 561-километрида, Тўрткўл тумани	
29.	“Довут ота” ЙПХ стационар пости		A380 “Ғузор–Бухоро–Нукус–Бейнов” автомобиль йўлининг 1184-километрида, Кўнғирот тумани	

Вазирлар Маҳкамасининг
2022 йил 8 июлдаги 377-сон қарорига
3-илова

**Вазирлар Маҳкамасининг “Йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги
хуқуқбузарликларга қарши курашиш самарадорлигини оширишга доир
қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 20 сентябрдаги
747-сон қарорига киритилаётган қўшимчалар**

1. 4-банднинг “а” кичик банди тўртинчи хатбоиси “рағбатлантирилади” сўзидан кейин “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардиясининг хизмат автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар орқали қайд этилган хуқуқбузарликлар бундан мустасно” сўзлари билан тўлдирилсин.

2. Илованинг 11-банди биринчи хатбоиси “рағбатлантирилади” сўзидан кейин “Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ҳамда Миллий гвардиясининг хизмат автотранспорт воситаларига ўрнатилган видеорегистраторлар орқали қайд этилган хуқуқбузарликлар бундан мустасно” сўзлари билан тўлдирилсин.

